



**ЎЗБЕКISTON RESPUBLIKASI**  
**ADLIYA VAZIRLIGIDA**  
**DAVLAT RO'YXATIDAN O'TKAZILDI**  
**RO'YXAT RAQAMI: 3104-2**  
**2020 - yil 02 - noyabr**

**ЎЗБЕКISTON RESPUBLIKASI**  
**ИННОВАЦИОН РИВОЖЛАНИШ ВАЗИРИНИНГ**  
**БУЙРУҒИ**

**“Республика илмий-тадқиқот муассасаларининг илмий фаолиятни  
конструктор-технологик таъминлаш, илмий лаборатория ускуналарига  
хизмат кўрсатиш вазифалари юклатилган муҳандис-техник ходимларининг  
базавий лавозим маошлари миқдорларини тасдиқлаш тўғрисида”ги буйруққа  
ўзгартириш киритиш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 30 декабрдаги ПҚ–4555-сон “Ўзбекистон Республикасининг “2020 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида”ги Қонуни ижросини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорининг 7-банди ижросини бажариш мақсадида буюраман:

1. Ўзбекистон Республикаси инновацион ривожланиш вазирининг 2018 йил 10 декабрдаги 442–сон буйруғи (рўйхат рақами 3104, 2018 йил 21 декабрь) (Ўзбекистон Республикаси Қонуни ҳужжатлари тўплами, 2018 й., 51–сон, 985-модда) билан тасдиқланган Республика илмий-тадқиқот муассасаларининг илмий фаолиятни конструктор-технологик таъминлаш, илмий лаборатория ускуналарига хизмат кўрсатиш вазифалари юклатилган муҳандис-техник ходимларининг базавий лавозим маошлари миқдорлари мазкур буйруқнинг иловасига мувофиқ тахрирда баён этилсин.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Инновацион ривожланиш  
вазир**

Тошкент ш.  
2020 йил, 23 октябрь  
01-43/4097 сон



**И. Абдурахмонов**

**Бандлик ва меҳнат  
муносабатлари вазир**

Тошкент ш.  
2020 йил, 23 октябрь

Келишилди:



**Хусанов Н. Б.**

**Молия вазири**

Тошкент ш.  
2020 йил, 12 октябрь

**Ўзбекистон Республикаси  
Фанлар академияси президенти**

Тошкент ш.  
2020 йил, 23 октябрь



**Т. Ишметов**

**Юлдашев Б. С.**

Ўзбекистон Республикаси  
Инновацион ривожланиш вазирининг  
2020 йил 23 октябрдаги  
01-43/4097-сон буйруғига  
ИЛОВА

**Республика илмий-тадқиқот муассасаларининг илмий фаолиятни  
конструктор-технологик таъминлаш, илмий лаборатория ускуналарига  
хизмат кўрсатиш вазифалари юклатилган муҳандис-техник ходимларининг  
базавий лавозим маошлари  
МИҚДОРЛАРИ**

| <b>№</b> | <b>Лавозимлар номи</b>   | <b>Меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдори баробарида</b> |
|----------|--|--|
| 1.       | Бош муҳандис   | 6,35   |
| 2.       | Бош конструктор, бош технолог  | 5,63   |
| 3.       | Етакчи муҳандис, етакчи конструктор, етакчи технолог                         |  |
|          | тегишли фаолият соҳасида камида 5 йилдан кўп бўлган иш стажи мавжуд бўлганда | 4,80   |
|          | тегишли фаолият соҳасида камида 2 йилдан 5 йилгача иш стажи мавжуд бўлганда  | 4,52   |
| 4.       | Олий маълумотли мутахассислар (муҳандислар, конструкторлар, технологлар):    |  |
|          | тегишли фаолият соҳасида камида 5 йилдан кўп бўлган иш стажи мавжуд бўлганда | 3,29   |
|          | тегишли фаолият соҳасида камида 2 йилдан 5 йилгача иш стажи мавжуд бўлганда  | 3,09   |
|          | тегишли фаолият соҳасида 2 йилгача иш стажи мавжуд бўлганда                  | 2,83   |
| 5.       | Ўрта маълумотли мутахассислар (муҳандислар, конструкторлар, технологлар)     |  |
|          | тегишли фаолият соҳасида камида 5 йилдан кўп бўлган иш стажи мавжуд бўлганда | 2,77   |
|          | тегишли фаолият соҳасида камида 2 йилдан 5 йилгача иш стажи мавжуд бўлганда  | 2,60   |

|  |      |
|--|------|
| тегишли фаолият соҳасида 2 йилдан кам иш стажи мавжуд бўлганда | 2,40 |
|--|------|

*Изоҳ: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 30 декабрдаги ПҚ-4555-сон “Ўзбекистон Республикасининг “2020 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида”ги Қонуни ижросини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига асосан 2020 йил 1 февралдан илмий-тадқиқот муассасалари томонидан илмий фаолиятни конструктор-технологик таъминлаш, илмий лаборатория ускуналарига хизмат кўрсатиш вазифалари юклатилган муҳандис-техник ходимларининг иш ҳақлари қайта ҳисоблаб тўланади.*

Мазкур базавий лавозим маошлари миқдорлари Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ва Молия вазирлиги билан келишилган.